Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 1 noyabr, juma

№ 45 (24965)

Farg'ona haqiqati

ljtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/

t.me/farhaqiqati

САЙЛОВ



ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛДИ

Эркинжон НУРАЛИЕВ, Фарғона вилояти ҳудудий сайлов комиссияси раиси

Жорий йилнинг 27 октябрь куни мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда йирик сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар юқори даражада ташкил этилди.

Янгиланган сайлов қонунчилиги бўйича ўтказилган бу йилги давлат вакиллик органлари сайловлари хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар сайлов органлари томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилди ва халқаро стандартларга мувофиқ ўтганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистонда илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар пропорционал тизим асосида ўтказилди. Сайлов жараёнига замонавий ахборот коммуникацион технологиялар жорий қилинди.

Сиёсий кампания тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси талаблари ва демократик принципларга мувофиқ амалга оширилиши учун зарур чоралар кўрилганлиги ва сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ҳақидаги назарий билимлари ҳамда амалий тажрибалари тадбирларни юқори савияда ўтказишда муҳим омил бўлди.

Вилоятимизда сайловни 17 нафар халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб борди. Шунингдек, 2 нафар хорижий, 85 нафарга яқин маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари кампания жараёнларини кенг ёритишда иштирок этди.

Энг муҳими, халқаро кузатувчилар сайлов Янги Ўзбекистоннинг янги Конституциясига мувофиқ, илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда киритилган, демократик тамойилларга мос тарзда шакллантирилган тизим асосида ўтказилганини қайд этишди.

– Ўзбекистондаги сиёсий кампанияда иштирок этдим, – дейди Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг узоқ муддатли кузатувчиси Бенедикт Уильямс. – Айниқса, сайловни ташкиллаштириш ишлари мени қониқтирди. Жараёнларда номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдим, уларда қамраб олинган ижтимоий-сиёсий масалалар менга маъқул келди. Одамларнинг овоз бериш учун сайлов участкаларига ўз хоҳиши билан келгани, ёшлар фаоллик кўрсатишганининг гувоҳи бўлдим. Бу сайлов Ўзбекистон келажаги учун янги саҳифа очишига ишонаман.

Овоз беришда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилди. Вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлиги учун 8 та ўринга мажоритар тарзда, шунингдек, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига 60 нафар, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига эса 480 нафар депутатлар сайланди.

Вилоятимизда 2 миллион 229 минг 469 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлса, 16-23 октябрь кунлари 219 минг 455 нафар сайловчи ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиб, муддатидан олдин овоз берди. Шунингдек, бу йилги сайловда 41 минг 460 нафар ёшлар илк маротаба иштирок этдилар.



ГАЗ ОМБОРЛАРИ БОР, СУВ ОМБОРЛАРИ ҲАМ МАВЖУД. АММО ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ "ОМБОР"ЛАРИ-ЧИ? ЯҚИН ОРАДА ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ЭЛЕКТР ҚУВВАТЛАРИ ОМБОРИ ПАЙДО БЎЛАДИ. У ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА БУНЁД ЭТИЛМОҚДА.

ФАРҒОНАДА

ЭЛЕКТР ҚУВВАТЛАРИ "ОМБОРИ" БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Сиз тўғри эшитдингиз, электр қувватлари "омбори" – яъни, электр энергиясини сақлаш тизими қурилмоқда. Унинг қуввати 150 МВт. га тенг. Ўзбекистонда ҳалигача муқобили бўлмаган бу иншоотни Хитой Халқ Республикасининг "China gezhouba group overseas investmen Co.LTD" компанияси 144 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиши ҳисобига бунёд этмоқда.

Дастлаб, шу йил февраль ойида бу ҳақида Ўзбекистон Президентининг қарори қабул қилинган эди. 11-12 июль кунлари давлат раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида эса ушбу лойиҳа қурилишига изн берилди. Бор-йўғи уч ярим ойда Ўзбекистон тумани адирликларида жуда катта ҳажмдаги иш бажарилди. 400 дан зиёд қурувчи мутахассислар иштирок этаётган майдонда электр энергия сақлагич батареялари ўрнатилди. Юқори кучланишли электр тармоқлари монтажи тугатилди. Энди боғловчи иншоотлар қурилиши давом этяпти.

Давоми 2-бетда

ВИЛОЯТДА ҚАНЧА АҲОЛИ ЯШАЙДИ?

ДОИМИЙ АҲОЛИ СОНИ

4 123,6 минг киши

ТАБИИЙ ЎСИШ

(+) 63,8 минг киши

ДОИМИЙ АҲОЛИНИНГ ЯШАШ ЖОЙИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ



Фарғона вилоятида 2024 йил 1 октябрь ҳолатига доимий яшовчи аҳоли сони 4 123,6 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 83,0 минг кишига ёки 2,1 фоизга кўпайган.

Жумладан:
Шаҳар аҳолиси сони – 2 344,0 минг кишини;
Қишлоқ аҳолиси сони – 1 779,6 минг кишини ташкил этди.



ЙИЛНИНГ 9 ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, чет эл инвестициясини фаол жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Буни йилнинг 9 ойлик якунлари ҳам кўрсатиб турибди.

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

Ҳисобот даврида вилоятда фаолият кўрсатаётган 6673 та саноат корхона ва ташкилотлар томонидан 34 триллион 004,0 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 фоизга кўпдир. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 8 миллион 308,7 минг сўмни ташкил этди.

Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 31 триллион 643,5 миллиард сўмни, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 103,6 миллиард сўмни, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизиция қилиш корхоналари ҳиссаси 248,0 миллиард сўмни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2 триллион 008,4 миллиард сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 15 триллион 288,4 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 175 та лойиҳа бўйича 2663,3 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланди. Бу маҳсулотлардан 34,6 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди. Шу билан бирга, 780 та янги иш ўринлари яратилди.

Давоми 2-бетда

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ҚАЧОНГА ҚОЛДИРИЛДИ?



Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш 2026 йилнинг 15 июлидан 21 августига қадар ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақдаги тегишли фармон лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълон қилинди.

Фармон лойиҳасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳам белгиланган.

Бундан ташқари, Статистика агентлиги аҳолини рўйхатга олишни планшет қурилмалари ёрдамида ўтказиш учун 2024–2026 йилларда зарур техник ва дастурий воситаларни сотиб олади.

Аҳолини рўйхатга олишда "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонун ҳамда шу соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилиши ва респондентлардан олинган маълумотлар сир сақланиши айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги 2025 йил 1 июлга қадар аҳоли пунктлари ва кўчалар ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказади.

Олий Мажлис палаталарига эса 2025 йил 1 сентябрдан 2026 йил 1 сентябрга қадар республика бўйлаб маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини ўзгартириш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш ишларини вақтинча тўхтатиб туриш тавсия этилган.

Маълумот учун, аҳолини рўйхатга олиш натижасида республика ва ҳудудлар бўйича аҳоли сони аниқ ҳисоблаб чиқилади, аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти, турмуш даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича ягона ахборот базаси яратилади. Демографик сиёсатни, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар аҳволини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун ахборотлар базаси кенгайтирилади.

Шунингдек, аҳоли пунктлари ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича келгуси 10-30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратилади.

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРИМИЗ ХАРИДОРГИР



Фарғона боғларига яна барака кирган. Қайси йўлдан юрманг, "Хурмо бор" ёки "Хурмо оламиз" деган ёзувларни кўрасиз. Биринчисида тилла ранг ёки қорақизил шарбати оқиб турган хурмо узилаётганига гувоҳ бўлсангиз, иккинчи ёзувли масканда 20-30 тоннали совутгичли автомашиналар юкдонига махсус идишларга авайлаб терилган қутилар юкланаётган манзарага дуч келасиз. Ҳар икки ҳолат ҳам экспорт билан боғлиқ.

Ҳа, бугунги кунда Қува, Қувасой, Марғилон боғлари ҳамда хонадонлардаги "ҳосилини кўтаролмай айрига суянган" шохлардан хурмо узилмоқда. Умуман, Фарғона вилояти мева-сабзавот экспорт қилишда мамлакатда етакчилардан бирига айланди. Мана, рақамлар билан танишинг-а. Улар 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги экспортга тегишли.

Мева экспорти		
Гилос	1,7 минг тонна	2,2 миллион АҚШ доллари
Олма	12,3 минг тонна	3,8 миллион АҚШ доллари
Шафтоли	6,3 минг тонна	7,5 миллион АҚШ доллари
Олхўри	1,5 минг тонна	2,6 миллион АҚШ доллари
Сабзавот экспорти		
Сабзи	15,9 минг тонна	3,9 миллион АҚШ доллари
Помидор	6,6 минг тонна	6,1 миллион АҚШ доллари
Карам	24,4 минг тонна	7,1 миллион АҚШ доллари

Дарвоқе, ҳали вилоятдаги бир неча юз совуқхоналарда сақланаётган мевалар ўз навбатини кутяпти.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА



Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров Ҳиндистоннинг "Ved" кўп тармоқли шифохонаси директори Ванвхав Пателни қабул қилди.

Учрашувда Фарғонада "Ved" хорижий шифохонаси ўзининг бўлимини очиш ва тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Унга мос бино ва майдонлар кўздан кечирилди. Ҳеч шубҳа йўққи, "Ved" маблағи иштирокидаги ёки тўлиқ унинг маблағи асосидаги хорижий муассаса ташкил топади.

Фарғона вилоятида 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида чет эл инвестицияси иштирокидаги янги очилган корхоналар сони 99 та бўлди. Ҳозир вилоятда 467 та хорижий инвестор сармояси киритилган корхона бўлиб, уларнинг 216 таси қўшма, 260 таси эса тўлиғича хорижий корхонадир.

Яна бир қизиқарли рақам. **Вилоятда Хитой инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони 137 тага етди. Бу вилоятдаги чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг 28,8 фоизини ташкил этади. Кейинги ўринларда Россия – 22,9 фоиз, Туркия – 12,2 фоиз, Қирғизистон – 5,5 фоиз, Корея Республикаси – 5,3 фоиз.**

Сарҳисоб

9 ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?



ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда 2 минг 395 та қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар томонидан 11 триллион 240,2 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,6 фоизни ташкил этди.

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан 2 триллион 005,1 миллиард, кичик корхона ва микрофирмалар томонидан 5 триллион 713,3 миллиард ва норасмий сектор томонидан 3 триллион 521,8 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2 миллион 746,5 минг сўмга тўғри келади.

Ҳисобот даврида иқтисодий фаолият турлари бўйича бино ва иншоотларни қуришга 8 триллион 336,1 миллиард, фуқаролик объектларин қуришга 2 триллион 335,0 миллиард ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш ишларига 569 миллиард сўм сарф қилинди.

ЧАКАНА САВДОДА ЎСИШ ҚАЙД ЭТИЛДИ

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятда савдо корхоналарининг чакана савдо товар айланмаси 22 триллион 341,2 миллиард сўм миқдорида қайд этилди. Бу ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан 108,2 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси ҳажми ўртача 5 миллион 458,9 минг сўмга тўғри келди.

Вилоятда уюшмаган савдо айланмаси ҳажми 1 триллион 803,9 миллиард сўмни, умумий овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми 12 триллион 380,5 миллиард, автотранспорт воситалари эҳтиёт қисмлари улгуржи ва чакана савдо айланмаси ҳажми 4 триллион 893,3 миллиард сўм миқдорида қайд этилди.



ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ОРТМОҚДА

Йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 569,5 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда, 81,6 миллион АҚШ долларига кўпайди.

Вилоятимиз жаҳоннинг 76 мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Бунда энг юқори улуш Хитой Халқ Республикаси 489,5, Россия Федерацияси 464,4, Қозоғистон 146,0, Туркия 89,0, Қирғизистон 80,9, Афғонистон 44,6 ва Эрон 34,7 миллион АҚШ доллари миқдорида қайд этилган.

Ташқи савдо айланмасида салмоқли кўрсаткич Фарғона шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, 324,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Энг қуйи поғонани 7,5 миллион АҚШ долларилик кўрсаткич билан Сўх тумани банд этди.

Экспортёр корхоналар сони 670 тага етиб, улар томонидан 627,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги товар ва хизматлар экспорти амалга оширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 фоизга кўпдир. Экспорт таркибида энг катта улуш озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар, минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари, саноат товарлари, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари ҳиссасига тўғри келади.

Импорт ҳажми эса 942,1 миллион АҚШ долларини ва 2023 йилга нисбатан 97,7 фоизни ташкил этди. Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тирик ҳайвонлар энг кўп импорт қилинган товарлар сирасига киради.

1 октябрь ҳолатига жами 63 минг 855 та корхона ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 38 минг 332 таси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 5034 таси янгидан ташкил этилди.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНЯПТИ

Фарғона вилоятида ҳозирги кунда 27 820 та корхона ва ташкилотлар хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритмоқда. Улар томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 37 триллион 731,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 111,9 фоизга бажарилганини кўрсатади. Аҳоли жон бошига 9 миллион 219,5 минг сўмлик бозор хизматлари кўрсатилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 14 триллион 929,8 миллиард сўм миқдорида қайд этилди. Аҳолига молия, транспорт, савдо, алоқа ва ахборотлаштириш, яшаш ва овқатланиш, кўчмас мулк, таълим, соғлиқни сақлаш, компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш, ижара ва бошқа хизматлар кўрсатилди.



ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИДА ВИЛОЯТ ҲИССАСИ

Ўтган даврда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми жорий нархларда 63 триллион 620,4 миллиард сўмни ташкил этди. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларига таққослаганда, 6,9 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотнинг шаклланишида Фарғона вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,3 фоизга етди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, бу 15 миллион 545,2 минг сўмни ташкил этади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, саноат ва қурилишда ҳамда хизматлар кўрсатишда яхши натижаларга эришилди. Шуни айтиш керакки, тўққиз ой давомида кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 72,9 фоизни ташкил этиб, 45 триллион 535,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 16 триллион 607,4 миллиард сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг 11 триллион 855,2 миллиард сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 4 триллион 722,2 миллиард сўм молиялаштирилди.

ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ РАҚАМЛАРДА

Бу тармоқда фаолият кўрсатаётган 11 682 та субъектлар томонидан 2024 йилнинг ўтган даврида 30 триллион 373,9 миллиард сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 104,0 фоизни ташкил этди. Хусусан, дон 860,1 минг, сабзавот 939,0 минг, картошка 269,8 минг, полиз маҳсулотлари 72,7 минг, мева 342,3 минг, узум 120,8 минг, гўшт тирик вазнда 145,7 минг, сут 849,3 минг тонна, 519,7 миллион дона тухум, 1,2 минг тонна жун, 7,5 минг тонна балиқ етиштирилди.

Фарҳоджон ЯКУБОВ,
Фарғона вилояти статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ФАРҒОНАДА

ЭЛЕКТР ҚУВВАТЛАРИ “ОМБОРИ” БУНЁД ЭТИЛМОҚДА



– Ўзбекистонга жуда кўп мамлакатлар нигоҳи қадалган, улар қатори бизнинг компаниямиз ҳам ушбу лойиҳа учун ўз маблағларини тикди, – дейди “Energy China oversas investmen” компаниясининг бош менежери Nie Jianming. – Ускуналарни асосан Хитой, Россия ва айрим қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олганмиз. Биз ноябрь ойининг охирида электр энергияни улаш, декабрь ойи ичи синовдан ўтказиш ва янги йилнинг биринчи кунидан тўлиқ ишга туширишни режалаштирганмиз. Шунда у зарур пайтда 600 минг аҳоли эҳтиёжини қондириш имконига эга бўлади.

Хитойнинг мазкур компанияси дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатларида фаолият юритиб келмоқда. У электр ишлаб чиқариш, муқобил энергия электростанциялари ва энергия сақлагич тизимини қуриш борасида ном чиқарган. Ўзбекистон туманидаги бу иншоот юртимиздаги биринчи лойиҳа эмас.

– Ўзбекистонда 13 тадан ортиқ лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Улардан иккитаси муваффақиятли тугатилди. Булар Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги қуввати 500 МВт қуёш электр станцияларидир, – дейди “Energy China oversas investmen” компаниясининг техник масалалар бўйича директор ўринбосари Азиз Ширинбоев. – Бу учинчи лойиҳа бўлиб, қурилиш жараёни давом этяпти. Декабрь ойида тармоққа улаш учун барча ишлар қилинмоқда.

Ҳа, лойиҳа конструкциялари қад ростлади. Хитойдан келтирилган, ҳар бирининг қуввати 2 МВт бўлган жами 90 та улкан аккумулятор батареялари бир-бирига уланмоқда.

Хўш, у аҳолига нима беради? Маълумки, кечқурун ва эрталаб электр қувватига эҳтиёж кескин ошиб кетади. Эҳтиёж камайган кундуз куни ва тун пайтида қувватланган аккумулятор батареялари ана шу чоғда электр тармоғига уланади ва таъминотда ҳеч қандай узилиш рўй бермайди. Содда қилиб айтганда, истеъмолдан ортиқча “омбор”га қўйилган электр қувватлари танқис пайтда ўша “омбор”дан яна қайта олинади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.





ВАТАН ТАРИХИ – БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯЧИСИ

Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

Бу орзуни амалга оширишда ”Ватан тарихи”, “Умумжаҳон тарихи” фанларини ўрганиш асосий манба бўлиб хизмат килади. Қадимги дунёда ёш авлодни, халқни “Тарих орқали тарбиялаш”, “Тарихнинг тарбиявий потенциали” деган атамалар алоҳида ўрин тутган. Демак, баркамол авлод тарбиясида тарих фани муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда табиий савол туғилади: биз ўтмишга нега мурожаат қиламиз?

Тарихни халқнинг муқаддас дафтари дейдилар. Уни ҳеч бир куч ўзгартира олмайди. Аммо ҳаётда тарихни бузиб кўрсатиш, воқеаларни бошқача талқин қилиш, атайин сохталаштириш ҳоллари ҳам учраб туради. Жумладан, ўзбек халқининг деярли уч минг йиллик бой тарихи совет тоталитаризми даврида кўпинча бир тарафлама ёритилди, талайгина ёрқин саҳифалари сохталаштирилди. Бунинг устига, мактаб ва бошқа ўқув юртларида халқимиз тарихини ўрганишга жуда кам вақт ажратилди.

Совет тарихшунослигининг энг йирик сохталаштиришларидан бири ислом динини тараққиёт ва умуман инсоният душмани сифатида талқин қилганлигидир. Большевизм оммавий террор, қатағонларни ўз мақсадларига эришиш йўлидаги “қонуний” бир восита деб ҳисоблаб келган. Динга қарши кураш ниқоби остида минглаб диндорлар қатағон қилинди, халқларнинг кўп асрлик тарихи, маданиятининг рамзи ва гувоҳи бўлган масжидлар, черковлар бузиб ташланди, бебаҳо ёзма манбалар ёқиб юборилди.

Мустақилликка эришиш учун олиб борилган кураш тарихини чуқур ўрганмасдан, уни билмасдан туриб, улкан ўзгаришлар, муваффақиятларни қўлга кирита олмаймиз. Демак, ёшлар тарбиясида Ватан тарихини ўрганиш, хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув туфайли эришилган ютуқлар ва бизга умуман керак бўлмаган “оммавий маданият” динамик характерда бўлиб, уни тарқатиш воситалари – замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, интернет ва компьютер тизимлари тезликни талаб қилади ва бу имконият кўпроқ ёшларда мавжуд. Қолаверса, ушбу тизимларнинг фаолиятига бўлган қизиқиш ҳам ёшларда кўпроқ учрамоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборотни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни қилма, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам тўғри келмайди. Шундай экан, қайси соҳада бўлмасин, ўзининг интеллектуал салоҳиятини намойиш қилаётган ёшларимиздан юксак маънавият ҳам талаб этилади. Юксак маънавиятгина қобилиятни, истеъдодни фақат эзгу ишлар, хайрли мақсадлар сари сафарбар қилади. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлардан бири эса тарихдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”. Албатта, ҳар кайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бизнинг заминимиздан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мустамлакачилар миллатни йўқ қилишнинг энг қулай воситаси уни фикрлашдан, мулоҳаза юритишдан тўхтатиш, тили, тарихи, маданияти, миллий қадриятлари ривожланишига йўл қўймаслик деб ҳисобладилар. Бунинг учун эса, аввало, уни ўз кечмишидан жудо қилиш, маърифатсиз қолдириш зарур эди. Тоталитар давлатнинг бу ғоялари Ўзбекистон халқи бошига ҳисобсиз кулфат келтирди. Фақатгина 1937–1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг киши қатағон қилинди, 18 минг киши жисмонан мавҳ этилди. Ўтган асрнинг 80-йилларидаги қатағонлар эса кўплаб оилалар ва бегуноҳ кишиларни ўз домига тортди.

Ёшларга Ватан тарихи орқали чоризм мустамлакачилик сиёсатининг совет тузуми томонидан мерос қилиб олиниши, унинг совет ҳокимиятининг тоталитар қатағон табиати билан боғлиқ ҳолда амалиётга татбиқ этилиши ва ўзига хос жиҳатларини, собиқ СССР ягона халқ хўжалик комплексида Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучларининг “ихтисослашиш” шаклида бир томонлама схема асосида жойлашуви қандай оқибатларга олиб келганлигини тушунтириб беришимиз зарур. Шу билан бирга, республика табиий хомашё ва меҳнат ресурсларининг эксплуатация қилиш механизмини, ўлка фойдали қазилмалари марказни бойитиш хизматида бўлганлигини, пахта якка ҳокимлигининг салбий оқибатларини, ўзбек халқининг миллий-маданий бойлигига бўлган ҳуқуқларнинг камситилиш сиёсатини ўқувчи, талаба ёшларга тушунтириш мамлакат мустақиллигининг моҳиятини чуқур англашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Тарихни ўрганиш ёшларимизда тинчлик нима эканлигини, мафкура, терроризм, диний-сиёсий уюшмалар, давлат, давлатчилик тарихи, ғоялар кураши каби жуда кўп масалаларни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Зеро, тарих – миллатнинг, баркамол авлоднинг мураббийсидир.

А.ШАРАФИДДИНОВ,
Фарғона давлат университети Жамоатчилик кенгаши раиси, тарих фанлари номзоди, доцент.

АФҒОНИСТОН ВИЛОЯТЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ



Афғонистоннинг Форёб вилояти, Андхўй туманида ўзбек тили миллий байрами бўлиб ўтди, деб хабар беради Афғонистондаги ўзбеклар фаоли Ферузуллоҳ Сирдош.

Таъкидланишича, тадбирда бир қатор шоирлар, ёзувчилар, Афғонистоннинг турли вилоятларидан келган зиёлилар қатнашди.

Сўзга чиққанлар ўзбек тилининг ўтмиш тарихи ва унинг Афғонистондаги ҳозирги ўрни ҳақида гапириб, келажакда тил ривожи учун қандай ишлар амалга оширилиши кераклиги тўғрисида фикр билдирдилар.

Тадбир жараёнида ўзбек миллий таом ва кийимлари намойиши ташкил этилди. Полвонлар ва чавандозлар куч синашди.

ЎзА.

Устоз журналист Тамара Тошматова

70 ёшда «Мен буюк БЎЛМАСАМ...»



Тамара опа ҳақида ёзмоқчи бўлдим. Бир-иккита рақамларга аниқлик киритиш мақсадида ўзига қўнғироқ қилдим. Табиийки, нима учунлигини сўради. Тўғрисини айтдим. "Э, нима қиласиз, – дедилар ўша камтарлиги билан. – Мен буюк бўлмасам, оддий журналистман-ку..."

Мана шу оддий журналист устозимиз 70 ёшга тўлдилар. Уни 80-йилларнинг ўрталаридан танийман. Мен босмахонада ишлардим, Тамара опа "Ферганская правда" ходими эди. Газетани нашрга тайёрлаш жараёнларида тез-тез кўриб турардим. Ҳамкасбларим уни машҳур адиб Шерали Тошматовнинг қизи эканлигини айтишганди.

Дадалари, ҳақиқатан ҳам, Фарғона журналистикасига тамал тошини қўйган, қалами ўткир публицист, серқирра ёзувчи бўлганлигини эшитгандим. Шерали Тошматов халқ зиёлиси бўлган. Афсуски, мустабид тузум гирдобига тушиб, 23 ёшида қатағонга учрайди. Кейинчалик оқланган. Унинг "Эрк қуши", Дарбадарликда" романлари, "Тонгдаги кўланка" қиссаси, "Балогардон" пьесаси 60-йиллар даврида қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган.

Тақдир тақозоси билан Тамара опа билан бирга, бир хонада ишлаб юрган кезларимиз, серфарзанд бўлган дадалари ҳар бир ўғил-қизи таълим-тарбиясига масъулият билан қарагани, оиладаги ижодий муҳит сабаб, журналистика соҳасига қизиқиши ортганини айтиб берганди.

Тамара опа Наманган вилоятининг Чодак қишлоғида таваллуд топган. Ҳамкасбларимиз билан суҳбат чоғларида дадаларининг 10 йилдан зиёд сарсон-саргардонликдаги ҳаёти давомида опалари Поп ва Хўжаободда, акаси Чоркесарда, укалари Попда, сингиллари Фарғонада туғилганларини айтиб берганди.

Тамара Тошматова Фарғона давлат педагогика институтининг чет тиллар факультетини тамомлагандан сўнг Тошлоқ туманидаги умумтаълим мактабида инглиз тили ўқитувчиси сифатида бир муддат ишлаган бўлса-да, журналистикага қизиқиши туфайли шу соҳада ишлашни афзал билди. 1977 йилдан Фарғона туманининг "Шонли меҳнат", сўнгра вилоят ҳокимлигининг "Ферганская правда", республика "Region inform", кўп тиражли "Устоз", вилоят "Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда", "Новая Фергана" газеталари таҳририятларида ишлаб келмоқда. Ўзбек ва рус тилларида равон қалам тебратади.

Устоз оддий мусаҳҳиҳликдан бош муҳаррир ўринбосари лавозимигача бўлган гоҳида қувончли, гоҳида ғамгинлик дуч келган йўлларни босиб ўтди. Журналистлик фаолияти давомида таъсирчанлиги билан ажралиб турадиган юзлаб очерклар, таҳлилий, танқидий, муаммоли мақолалар, репортажлар ёзди. Унга адолатпарварлик, принципиаллик, инсонпарварлик, синчковлик хос бўлиб, бу хислатлар мақолаларида акс этиб туради.

2022 йилда "Фарғона ҳақиқати" газетасида "Шўрсувликларнинг "шўри қуримайди", агар бу ердаги экологик ҳолат холис ўрганиб чиқилса ва тезкор чоралар кўрилса" деб номланган танқидий материали чоп этилди. Унда шаҳарчада жойлашган саноат корхонасининг атмосферага чиқараётган чанги белгиланган меъёрдан бир неча баравар юқорилиги таҳлил этилган бўлиб, муаммо шу қадар жиддий эдики, республика, вилоят нуфузли идоралари мутасаддиларини "оёққа турғазди". Унинг бундай таҳлилий-танқидий мақолаларида келтириладиган далиллар асосли ва ишончлилиги билан газетхон диққатини тортади, уни ўйлашга, мулоҳаза юритишга, муносабат билдиришга ва хулоса чиқаришга ундайди.

Вилоят газеталарини чоп этишга тайёрлашда баъзан кечикиб қоламиз. Бу республика ёки вилоят миқёсидаги сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Ўшандай кезларда Тамара опа уйга кетишга сира шошилмайди. Қачонки газетанинг янги сони хатолардан холи бўлганидан хотиржам бўлса, йўлга чиқади, пиёда.

Бир сафар шундай "кеч қолганимизда" тун яримлаб қолганди. Бош муҳаррир Муҳаммаджон Обидов навбатчи ҳайдовчига Тамара опани уйларига элтиб қўйишни буюрди. Аммо у пиёда кетаман деб туриб олди. Кўндириб бўлмади. Эртаси куни тунги "қайсарлиги" ҳақида сўраганимда, пиёда юришга ўрганиб қолганини, бу, аввало, соғлиғи учун муҳимлигини айтиб ўтганди. Биз шогирдлари нафақат ёзишда, яёв юрганда ҳам Тамара опага етишимиз осонмас.

Устоз кўп китоб ўқийди, бадиий таржима билан ҳам шуғулланади. У доимий изланишда, касб маҳорати ва иш тажрибасини шогирдларига ўргатишдан эринмайди. Ҳатто хорижий давлатларда сафарда бўлганида ҳам қўлидан дафтарча-қалам тушмайди.

Тамара Тошматова вилоят журналистлари ўртасида ўтказиб келинаётган ижодий танловларда кўп маротаба ғолиб бўлган. Фарғона вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимининг Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган. Журналистика соҳасидаги узоқ йиллик самарали меҳнатлари давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилиб, 2021 йилда "Соғлом турмуш" медали билан мукофотланган.

Фидойи, меҳнатсевар, камтарин, журналистлар ўртасида катта ҳурматга эга устозимиз 47 йилдан буён кўп яхши одамлар ҳақида ёзади-ю, ўзининг ибратли ҳаёт йўли, ҳавас қилгудек меҳнат фаолиятини оқ қоғозга туширай десак кўнмайди. Лекин узоқ йиллар хизмати синган вилоят "Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская правда" газеталари таҳририяти ижодий жамоаси устоз Тамара Тошматовани муборак ёши билан қутлашни, озгина бўлса-да, самимий фикрларни билдиришни лозим топди.

Рустам ОРИПОВ.
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Ёдимиздан йироқ одамлар

"ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРУВЧИ" эксперт



Турсунали ҳали тонг ёришмай туриб, турмуш ўртоғининг дод-фарёдидан чўчиб уйғонди. Ҳали уйқуга тўймаган кўзларини базўр очаркан, нохуш хабарни эшитди-ю, донг қотди. Во ажаб, бешикда ётган 9 ойлик чақалоқлари йўқ эмиш. Унинг ҳаяжонли саволларига хотини тайинли жавоб беролмас, тинмай дод солиб йиғларди...

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари "оёққа" турди. Тезкор ҳаракатлар, суриштирувлар бошланди. Кўп ўтмай чақалоқ маҳалладаги катта анҳор ёқасидан топилди. У сувга тушиб кетиб чўкмаган бўлса-да, танаси аллақачон совиб улгурганди. Бу разилликни ким содир этган бўлиши мумкин? Қотилликни очишга "қилни қирқ ёрувчи" экспертлар жалб этилди.

Жонсиз танани чуқур тиббий текширувдан ўтказган Боқижон Сиддиқов чақалоқнинг ўлим ҳолатини аниқлади. Маълум бўлишича...

Айрим шахслар қотилликни содир этиб, жиноятларини яширишга уринади. Аммо, шундай соҳа ходимлари борки, улар марҳумлар билан "сўзлашиб", уларнинг қандай вафот этганларини фош этадилар.

Боқижон Сиддиқов Республика суд-тиббий эспертизаси илмий-амалий маркази Фарғона филиалида фаолият бошлаганига 21 йил бўлди. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча марҳумларнинг ўлим сабабларини қайд этди. Тананинг ҳар бир ташқи ва ички органидаги "бегона белгилар" хизмат вақтида унинг назаридан четда қолмайди.

Бу сафар ҳаёт нималигини билмай қасддан ўлимга маҳкум этилган мурғак устида суд-тиббий экспертизасини ўтказишига тўғри келди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг дастлабки хулосасига кўра, болани кимдир сувга ташлаб юборгани натижасида ҳаётдан кўз юмган. Аммо эксперт бошқача ташхис қўйди. Яъни чақалоқ сувга ташланмасдан олдин ташқи куч таъсирида нафас қисилиши ва ҳаво етишмаслигидан вафот этган. Қотил жиноятни яшириш мақсадида уни сувга ташлаб юборган. Гўдакнинг кийимлари ва баданидаги сўнгги бармоқ излари онасига тегишли...

Боқижон учун энг оғир иш – чақалоқлар жасадини "ёриш". Айниқса, бугунгидай хулосадан кейин узоқ вақт ўзига келолмай юради. Шундай вақтларда шу касбни танлаганидан афсусланиб ҳам кетади. Ўша пайтларда билимга чанқоқ, интилиши дадил эди. Ҳатто яқинлари бу касбнинг нонини ейиш қаттиқлигини айтишганда ҳам шаштидан қайтмади. Дастлаб фельдшерликка ўқиди, кейин олий маълумот олди.

– Хизмат фаолиятимда жуда кўп нохуш воқеалар учраган. Айниқса, инсон зоти қилиши мумкин бўлмаган қотилликлар бўйича суд-тиббий экспертизасини ўтказгандан кейин воқеа тафсилоти таъсиридан чиқишим қийин бўлади. Энг ёмони, марҳумлар яқинлари ёки бошқа шахслар томонидан тазйиқлар, дўқ-пўписалар, қўрқитишлар бўлиб туради. Лекин ҳаммасига чидайман. Касбимга меҳрим баланд, – дейди Боқижон Сиддиқов.

Республика суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази Фарғона филиалининг Танатология бўлими бизга шовқин-сурондан холи, тинч жой, "сукунат олами" бўлиб туйилса-да, аслида бу ер марҳумларнинг унсиз оҳу фарёди макони. Фақат уни биров эшитмайди.

Суд-тиббий экспертининг хизмат вазифаси оддий шифокорникидан бир мунча фарқ қилади. Ўзига хос масъулияти ва жавобгарлиги бор. У адашиши, иш жараёнида кўз илғаши қийин бўлган белгини ҳам кўздан қочириши мумкин эмас. Чунки унинг хулосасига таяниб, инсон тақдири ҳал этилади.

– Баъзан қаердадир бир неча кун, ҳафта, ҳатто ойлаб қолиб кетган марҳумларни текширишга тўғри келади. Бундай инсонларнинг қандай ҳолатда бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас, – дейди у. – Агар кимсасиз бўлса, ёз кунларида уч кун, совуқ фаслларда бир ҳафтагача улар сақлаб турилади. Шундан кейин қабрга қўйиш учун хулоса берилади.

Боқижон Сиддиқовнинг айтишича, қариндошуруғи топилмаган инсонларни ўзи покизалаб, исломий урф-одатлар бўйича кафанлайди, сўнгра ташкилий ишларга бош-қош бўлади.

– Суд-тиббиёт экспертизаси заруратини келтирадиган бошқа ҳолатлар ҳам бор. Булар, мисол учун, жабрланганнинг тан жароҳати характери, унинг оғирлик даражаси, ашёвий далилларни аниқлаш каби жиноят ишлари ва бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ, шунингдек, инсоннинг шахси ва ёшига доир текширувлар ўтказамиз. Ташқаридан қараганда, осон ишга ўхшайди. Аммо бундай жараёнлар соҳа ходимларидан катта масъулият талаб қилади, – дейди Боқижон Сиддиқов.

Суҳбатимиз чоғида Боқижон Сиддиқов кимдир касб-кори ёки иш жойини сўраб қолса, имкон қадар яширишга ҳаракат қилишини, бунинг ўзига яраша сабаблари борлигини билдирди. Ҳатто юзига ҳайиқиб, қўрқинч билан қарайдиганлар борлигини, чунки суд-тиббий экспертизаси ҳақида фикр юритилганда, баъзиларнинг хаёлида марҳумларни "ёрадиган" дийдаси қаттиқ шахс гавдаланишини айтиб ўтди. Шундай бўлса-да, у танлаган йўли тўғри эканлигини, ҳақиқий шифокор касбига меҳр қўйиши ва ҳар қандай вазиятга тайёр туриши лозимлигини қалбан ҳис этади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Тилимиз жонкуяри

УНИНГ ДАРСЛАРИ 46-ДАҚИҚАДАН ДАВОМ ЭТАДИ



Синфхона сукунатга чўмган гўё. Ўқувчиларнинг бутун диққат-эътибори устозларида. У "Ўткан кунлар"нинг таҳлили билан банд, дарс машғулотига шу қадар берилиб кетганки, ўқувчилар ўзларини асар қаҳрамонлари билан бирга сезишмоқда. Улар навбати билан асар ҳақидаги тушунчаларини билдиришаётганда, муаллиманинг юзида мамнунлик акс этади. Қайсидир ўқувчи романининг маъно-мундарижа доираси ниҳоятда кенглиги, унда турли тақдирлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, оилавий-ишқий муаммолар қаламга олингани ҳақида гапирса, бошқаси асар қаҳрамонларининг муомала маданияти, сўзларининг теранлиги, ҳикматлар билан тўйингани ҳақида мулоҳаза юритди. Фикрлар хилма-хиллиги авжга чиққан пайтда кўнғироқ чалинди. Синфхонадаги баҳс-мунозаралар 46-дақиқадан бошлаб коридорда давом этди...

Наргиза Эргашева ёшлигидан она тили ва адабиёти шайдоси. Бошланғич синфларда ўқиб юрган чоғлариданоқ кичик ҳикояларни севиб ўқир, баъзи образлар характерида ўзини тасвирларди. Буниси бозор етаклаб юрганида, дўконлар пештахтасидаги ёзувларни, реклама сўзларини таҳрир қилар, улардаги хатоликлар ҳақида куюниб гапирар эди.

Жажжи қизалоқдаги ўзбек тилига бўлган жонкуярлик, уни чуқур ўрганишга интилиши юқорилигини пайқаган ота-онаси фарзандининг орзуси томон дадил қадам ташлашига тиргак бўлишди.

–Эркин Воҳидовнинг "Нидо" достонини ёд олганимда, синфдошларим ҳайратда қолишганди. Ўшанда, устозларим келажакда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлишимга ишонч билдиришганди. Тақдирни қарангки, йиллар ўтиб, устозларим билан бирга ишладим, – дейди у.

Наргиза Эргашева умумий ўрта таълим мактабини олтин медаль билан тамомлагач, Фарғона давлат университетига ўқишга кирди. Ўткир зеҳн соҳиби талабалик йиллари чуқур билим олишдан, изланишдан, интилишдан сира чарчамади. Буларнинг самараси ўлароқ олийгоҳни муваффақиятли якунлади.

Илк меҳнат фаолиятини Қува туманидаги 62-умумтаълим мактабида бошлаган ёш педагог дарс машғулотларини ўтишнинг янгича услубларини, мавзуни ўқувчилар онгига чуқур сингдириш йўлларини қидирди. Ҳатто мактаб дарсликларини ўқувчиларга содда, тушунарли қилиб тузиш учун вазирликка қатор таклифлар билан мурожаат қилди.

Чекка бир қишлоқ ўқитувчисининг таклифлари қатор илмий рисолалар муаллифи, тақризчи олим Шарофат Тошмирзаевани қизиқтириб қолди. У билан мулоқот чоғида, она тили ва адабиёти дарсликларига тақриз ёзишда ҳамкорлик қилишини айтди.

Наргиза Эргашева ўзига ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажаришга одатлангани боис, ёзги таътил кунларида дам олишни ўзига эп кўрмади. Пойтахтга бориб, устози билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борди.

Устознинг дарсларини кузатсангиз, бири иккинчисига ўхшамайди. Мавзуларга ижодий ёндашиб, янги педагогик технологиялар ёрдамида машғулотлар олиб боради. Ўқувчиларининг фанни ўзлаштириш даражаси юқори, улар республика миқёсидаги фан олимпиадаларида биринчи ўринни қўлга киритишмоқда.

Ёшлар келажаги йўлидаги бу каби фидойилиги сабаб, 2011 йилда "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишонига, яқинда эса "Халқ таълими фидойиси" деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Мана икки йилдирки, устоз Фарғона шаҳридаги Президент мактабида меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда.

– Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг таъбири билан айтганда, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир. Бу сўзларни қайта-қайта тилга олар эканман, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тили билан сингишига амин бўламан. Касбим орқали тилимиз ривожига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман, – дейди у.

Наргиза Эргашева ихтисослашган мактабларнинг 7-синфлари учун она тили ва адабиёти фани дарсликлари яратилишида таниқли тилшунос олимларга ҳаммуаллифлик қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Жума сабоғи

ШУКУР ҚИЛИШ – ЧИН МЎМИНЛИК СИФАТИ



Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз, мақтовларимиз бўлсинки, мана 33 йилдан буён ота-боболаримиздан мерос она юртимиз ва халқимиз мустақил, эркин ҳаёт кечириб келмоқда. Тарихан қисқа давр ичида жаннатмакон диёримиз истиқлол неъмати туфайли янада гуллаб-яшнади, шаҳару қишлоқларда ободончилик, улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди, барча соҳалар ривожланди, улкан ютуқларга эришилди, жаҳон жамоатчилиги олдида Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошди.

Алҳамдулиллаҳ, аввало, Бош Қомусимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигимиз эълон қилинди, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимиз намоён қилинди. Фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлаш мақсад қилинди. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги белгилаб қўйилди. Муҳим жиҳатларидан бири – ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланди. Она диёримизнинг қайси гўшасига борманг, масжиду мадрасалар фаолият юритмоқда, мўмин-мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, диний таълим олишлари, соҳага оид адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудида жойлашган Сўх туманида ҳам барча соҳалар қаторида, муқаддас Ислом дини равнақи йўлида улкан савобли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда ҳудудимизда 11 та жоме масжиди фаолият юритяпти. 2020 йилда туман марказидаги маънан эскирган "Иноятиллоҳ" масжиди ўрнига, янги замонавий масжид барпо этилди. Шунингдек, Қурбон ҳайити кунларида Мулгон қишлоғида икки ярим минг намозхонга мўлжалланган икки қаватли масжид биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда "Ҳазрати Али" маҳалла фуқаролар йиғини ва Ҳушёр қишлоғидаги эски масжидлар ўрнига, беш минг сиғимга эга ибодат масканларини бунёд этиш ишлари бошланди.

Диний ва дунёвий билимларга эга имом-хатибларимиз ва уларнинг ноиблари доимо халқ билан бирга, туман-дошларимизнинг иссиқ-совуқ кунларида уларга елкадош. Маънавий-маърифий тадбирларда, жойлардаги турли учрашувларда фаол қатнашмоқдалар. Аёлларнинг диний-маърифий билимларини ошириш мақсадида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида катта тажрибага эга, махсус ўқув семинарларда юқори натижага эришган отинойилар фаолият юритишмоқда.

Аллоҳ таолога беадад шукроналар бўлсинки, ота-боболаримиз орзу қилган кунлар келиб, ҳаж ва умра ибодатларини адо этиш бизларга насиб этди. Аввалларги Сўх туманида истиқомат қилаётган саноқли одамларгина умра зиёратига борган бўлса, шу йилнинг ўзида юздан зиёд фуқароларимиз умра, 20 нафарга яқини ҳаж зиёратларини соғу омонликда адо этдилар. Бунинг учун Яратган эгамга ҳамду саноллар айтамиз, Юрт-бошимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Бизнинг, ёши улуғ инсонларнинг қўллари туну кун дуода.

Эндиликда бу дориломон кунларнинг қадрига етишимиз лозим. Зеро, шукур қилсак, Аллоҳ таоло берган неъматларини янада кўпайтиради. Парвардигоримиз Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: „Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукур қилсангиз, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю ношукурчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир" (Иброҳим сураси, 7-оят).

Неъматга шукур қилиш чин мусулмон учун энг улуғ ва гўзал ахлоқий сифатлардан биридир. Шукур – эзгулик улашган кишига чиройли мақтов ва яхшилик эвазига қилинадиган мукофотдир.

Хулоса сифатида айтмоқчиманки, Ватанимиз осмони мусаффо, тинч-лик-осойишта бу ҳаётимиз шукурини қилиш шу азиз юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳам қарзи, ҳам фарзи бўлиши даркор. Ўзини, оиласини, яқинларини, бутун инсониятни ва келажак авлодларни ўйлаган ҳар бир шахс бу ҳақиқатни теран англайди. Хайрли ва савобли ишларга ҳар ким қўлидан келган ҳиссасини қўшмоғи лозимдир.

Аллоҳ таолонинг бизга берган улуғ неъматларидан яна бири юртимизнинг тинч ва осойишталигидир. Ҳозирги кунда Ер юзининг турли жойларида бўлиб турган офат ва қирғинбарот урушлар, хунрезликлар ҳақида эшитиб турибмиз. Юртимизни самовий ва аросий балолардан сақлаб тургани учун Аллоҳга беадад ҳамд ва шукроналар айтмоғимиз лозим. Тинчлик ва хотиржамлик улуғ неъмат эканини унутмайлик!

Воҳидхон КАМОЛОВ,
Сўх тумани бош имом хатиби.

Олтиариқ тумани, "Полосон" маҳалла фуқаролар йиғини, Жонибек кўчаси, 6-уйда фаолият юритаётган Якка тартибдаги тадбиркор Улуғбек Мукаррамов Маъмурович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



ҚАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ МАҲАЛЛА

Ўзбекистон туманидаги “Яйпангузар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдувоҳид Ўринов 12 йилдан буён шу вазифада. 2180 нафар фуқароси бўлган 536 та хонадон аҳлига “ота”лик қилади. Қачон қараманг, ҳали унинг, ҳали бунинг масаласи кетидан югуради, масъуллар кабинети эшигини қоқиб бораверади. Натижа эса ибратли.

– 536 та хўжалик газлашган. Электр, газ, сувдан ҳам муаммоимиз йўқ. Ўтган йили 2 километр сув тортилди, – дейди Абдувохид Ўринов. – Камбағал оилалар йил бошида 12 та эди. Ҳозир маҳалламизда камбағаллик қолмади.

Юқори Қўрғонча кўчасининг этагида, далаларга туташ пастқамгина, гуваладан тикланган уй бор эди. Унда Гулчеҳрахон Тешабоева ўғли Шоҳаббос билан яшайди.

– Турмуш ўртоғим дорбоз эдилар, ўғлим 4 ойлик чақалоқлигида бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан ўтди. Кейин онам билан яшадим. Улар ҳам 2017 йилда вафот этди. Фарзандимни ўзим тарбия қилдим, – дейди хонадон соҳибаси.

Гулчеҳрахон узоқ йиллар мактабда фаррошлик қилди. Кейин туман ободонлаштириш идорасига ишга кирди. Кутилмаганда йиқилиб тушди ва суяк синиш хасталигига дучор бўлди. Ўзбекистон тумани ҳокимлиги биринчи бўлиб ёрдамга келди. У Андижондаги клиникада жарроҳлик амалиётидан ўтди.

Туман ҳокимлигининг ибратли ташаббуси бор. Шу йилнинг ўзида 6 та кам таъминланган оилалар уй-жойи қайтадан қурилди ёки мукаммал таъмирлаб берилди. Гулчеҳрахоннинг хонадони ҳам шулар қаторида қайта қурилди.

Бугун мутлақо ўзгача манзарани кўрасиз. Чиройли, қулай, шинам, гиламлар тўшалган даҳлизли уй. Яна бир алоҳида хона. Ошхона эса уларга туташ қурилган. Ёзги айвон, қўрғон деворлари ҳам янгитдан тикланган.

– Боқувчимни йўқотганман. Бир неча йиллардан буён фарзандим билан ойлик ҳисобига яшайман. Соғлиғимни йўқотгандим, маҳалла раиси, вилоят ва туман ҳокимлари хабар олишди ва мана шундай шароитни яратиб беришди, – дейди Гулчеҳрахон Тешабоева. – Соғлиғим яхшиланиб ишга қайтдим.

Ҳа, Гулчеҳрахон ишига қайтди. Ўғли Шоҳаббос мактабни якунлаб, у ҳам ишли бўлди. Қолаверса, бўш вақтларида қўшимча даромад топиши учун унга субсидия асосида мотокультиватор беришди.

– Аввало, Президентимизга раҳмат. Тани жонлари соғ бўлсин, олиб бораётган ишлари бундан-да зиёда бўлсин, – дея миннатдорчилик билдирди Гулчеҳрахон.

Маҳалла раиси ҳақ гапни айтган экан. Кўчалар обод, аҳоли уйлари кўркам. Бекорчини учратмайсиз.

– 11 нафар ёш ишсиз эди. 3 нафарига асбобускуналар бердик, 2 нафарига кредит олинди, қолганлари сутни қайта ишлаш заводига ишга жойлаштирилди. Ҳозир маҳалламизда ишсиз ёшлар йўқ, – дейди маҳалла ёшлари етакчиси Шоҳрух Тўхтаев. – Уйчи тажрибаси асосида ўз-ўзини банд қилиб, иш билан таъминладик.

Ўзбекистон туманининг “Яйпангузар” маҳалласи дастлаб ишсизликдан холи ҳудудга айланган эди. Энди эса у камбағал оиласи бўлмаган маҳалла мақомига эришди.

Ўз мухбиримиз.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Эслаб, эслаб...

«Тошкентда шундай шоир ўғлимиз бор экан-у...»



УСТОЗЛАР, ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ВА ИЖОДКОР ДЎСТЛАРИМ БИЛАН ЎЗАРО МУЛОҚОТЛАРДА, ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАРДА БЕҒАРАЗ ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАЛАРНИ ЭСЛАБ, БАЪЗИЛАРИНИ ҚОҒОЗГА ТУШИРИБ ҚЎЙГАНМАН. УЛАРНИ МУТОЛАА ҚИЛСАМ, БЕИХТИЁР ЮЗИМГА ТАБАССУМ ЮГУРАДИ. ШУЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИ “ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ” ГАЗЕТАСИ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИЛИНДИМ.

НОСИР ЗОҲИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

УЧ-ТЎРТ МАРТА “ПОЗОР” БЎЛИБ ТУРИБМАН

Таниқли ёзувчи, олтиариқлик дўстим Алишер Ибодинов кичик ўғлини уйлайдиган бўлиб қолди. Яқин қадрдонлар наҳорги ош пайтида дарвоза олдида меҳмонларга “Хуш келибсизлар” деб қўл қовуштириб турдик. Соат тўққизларга яқинлашганда, маросим ниҳоясига етай деб қолди. Алишер шундан кейин хизмат қилганларга, узоқ-яқиндан келган дўстларига алоҳида дастурхон ёзди.

Алишер тақдир тақозоси билан Қашқадарёдан уйланган. Тўртта божаси бор. Дастурхон атрофида гурунглашиб ўтириб, улар билан яқиндан танишдик. Ҳаммаси кўнгли очиқ, улфат йигитлар экан. Зиёфатдан кейин беш-олти киши яна ташқарига чиқиб, дарвоза ёнидаги ўриндиққа ўтирдик. Шу дамда биз билан суҳбатлашиб ўтирган Алишернинг кичик божаси, ширакайф Абдураҳмон ўрнидан туриб, катта ариқ сувида қўлини чаймоқчи бўлди-ю, оёғи сирғаниб, боши билан сувга шўнғиди. Кутилмаган бу ҳодисадан ҳангу манг бўлиб қолдик. Абдураҳмон ариқдан апил-тапил чиққандан кейин уни рўбарў қўшни – Шаҳобиддиннинг уйига киритиб юбордик. Бироздан кейин ўша ҳовлига кирсак, меҳмон айвонда чўнқайиб ўтирибди. Ҳаммаёғи шалаббо.

– Менга қаранг, – деди у Алишерга кўзи тушиши билан. – Хотинни чақиринг, Қаршига кетамиз, “позор” бўлдим.

– Ҳечқиси йўқ, хижолат бўлманг, – Алишер шундай дея, тезда уйларига кириб, тоза уст-бош олиб чиқди. – Мана, ичкари уйга кириб алмаштириб олинг.

– Йўқ, – деди божаси бош чайқаб. – Аввал хотинни чақиринг, мен ”позор” бўлдим, кетамиз.

Кўплашиб тасалли бермоқчи бўлдик, қани энди муросага кўнса. “Позор" бўлдим” деган гап оғзидан тушмайди. Шунда тоқати тоқ бўлган Алишер божасининг елкасига қўлини қўйиб шундай деди:

– Ҳов қадрдон, сиз умрингизда энди бир марта ”позор” бўлибсиз, мен ҳар йили уч-тўрт марта “позор” бўлиб тураман.

Баралла кулгу кўтарилди. Абдураҳмоннинг ҳам чеҳраси ёришди.

МАҚТОВНИНГ КУЧИ

Журналистларнинг Фарғонада бўлиб ўтган йиғилишида Алишер Ибодинов ва Ҳамид Бурҳон учрашиб қолдик. Анжуман тугаб, ташқарига чиққач, ҳамкасбларга шундай дедим:

– Бугун сизларга тушлик олиб бериш ниятим бор эди-ю, пулим камроқ экан-да.

– Менда ҳам камроқ эди, Олтиариққа зўрға етиб олсам керак, – Алишер ҳам ўзини четга олди.

– Аттанг, – деди риштонлик дўстимиз Ҳамид Бурҳон бошини сарак-сарак қилиб. – Бор пулимга машинага бензин қуйиб олибман.

– Бўлмаса гап бундай, – дедим биздан ўн-ўн беш қадам нарида ким биландир суҳбатлашиб турган Охунжон Ҳакимовга кўзим тушиб. – Яхшиси, устозни эритамиз. Мен гап бошлайман, сизлар давом эттирасизлар.

Келишдик. Бирин-кетин Охунжон аканинг ёнига бордик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, секин гап бошладим.

– Устоз, кеча радиода Қобилжон Юсупов ижросидаги “Ўшал кун келур” қўшиғини эшитиб қолдим. Ҳар сафар тинглаганимда, баданларим жимирлайди.

– Ўзи шеърни қийиб қўйгансизда, – Алишер гапни илиб кетди.

– Бу қўшиқ “Олтин мерос”га киради, Худо хоҳласа. – Ҳамид Бурҳон ҳам бўш келмади.

Хуллас, биримиз қўйиб, иккинчимиз устозни кўкларга кўтардик. Мақтов кимга ёқмайди дейсиз, айниқса шоир зотига.

– Менга қаранглар, – дедилар Охунжон ака яраб. – Тушлик ҳам яқинлашиб қопти, юринглар, сизларга бир эрийман.

Ниятимизга етганимиздан хурсанд бўлиб, устозни қўлтиқларидан тутиб, машинага ўтказдик.

– Қаерга олиб борай, – сўрадилар Охунжон ака.

– Фарғонадан чиқишда, шундоқ Аввалга бурилишда Олтиариқнинг сомсасидан ёпади. Ўзиям ҳар биттаси шапалоқдек келади. Пули қимматроғу, лекин ўзи зўр, – деди Алишер.

– Яхши, гап йўқ, кетдик ўша ерга, – дедилар устоз.

Машина ўрнидан силжиши билан Алишер сўраб қолди:

– Бу... сомсанинг ўзи...қандоқ бўларкин?

– Ҳа, дарвоқе, – устоз рулда ўтирган Ҳамид Бурҳонга ўгирилди. – Тўй тўйдек бўлсинда. Йўлда, магазин олдида тўхтанг.

Орадан ўн дақиқа ўтмай, сомсахонага кириб бордик. Улфатчилик бошланди. Айниқса, “битта”ни бўшатганимиздан кейин иштаҳамиз янада очилди.

– Устоз, – дедим яна хушомад билан. – Ҳалиги шеъринг бор-ку, “Дилбарим лаъли лабинг лаълмиди, ғунчамиди?”, Таваккал Қодиров ўша билан машҳур бўлган-да.

– Юлдуз-чи, Юлдуз? Дунёга “Дунё” билан танилди, – деди Алишер.

Хуллас, яна мақтов, ҳамду сано.

– Сомсадан яна биттадан кетадими? – таърифу тавсифдан эриб кетган устоз сўрадилар.

–Ҳимматингиз, – дедим тавозе билан қўлимни кўксимга қўйиб.

– Ҳой ўғлим, – Охунжон ака хизмат қилиб юрган болани имладилар. – Яна бир донадан.

– Устоз... бу... сомсанинг ўзи... – Алишер тамшанди.

– Ҳа, айтганча, шоир, яна бир хизмат қиласиз-да. – Охунжон ака пул чиқариб, Ҳамид Бурҳонга узатди. – Ҳалигидан яна битта.

Ўтириш қизигандан-қизиди. Роса йўраганимиздан кейин илҳомим жўш уриб, бу сафар бетаъма, бегараз мақтовни бошлашим билан чув тушганини сезиб қолган устоз “Ҳой ноинсофлар, бўлди-да энди, чўнтагимдаги бор-йўқ пулимни совурдиларинг. Чақалар қолди холос, уйга эсон-омон етиб олай, – дедилар бўғилиб.

Шунда ҳаққаҳамизнинг зарбидан сомсахона деразаси ҳам зириллаб кетди.

ЧАРХИЙ ДОМЛАНИНГ ТОШКЕНТДАГИ “ЎҒЛИ”

Бу воқеани менга қўқонлик шоир Анвар Юнусов айтиб берди.

– Минг тўққиз юз олтмиш саккизинчи йилнинг баҳор ойлари эди, – деди Анвар ака бир кулиб қўйиб. – Тошкентдан Қўқонга бир гуруҳ шоир-ёзувчилар ташриф буюришди. Улар орасида ёш бўлса ҳам китобхонлар ўртасида анчагина машҳур бўлиб қолган Эркин Воҳидов, Тўлқин, Сайёр, Азиз Абдураззоқ бор эди. Ҳамза номли театрнинг эски биноси эрталаб соат ўндаёқ мухлислар билан лиқ тўлди. Пойтахтлик меҳмонлар саҳна тўридан жой олишди. Ўтирганлар қаторида Чархий домла, устозларимиз Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов ҳам бор эди.

“Фарғона афандиси” деб ном олган, ҳозиржавоб, ҳазил-мутойибага ниҳоятда ўч бўлган публицист, шоир Адҳам Ҳамдам анжуманни очгач, шеърхонлик бошланди. Мушоира авжига чиққанда, Адҳам ака саҳна бурчагига қўйилган минбарга бориб, микрафонни қўлига олди-да, “Азизлар, – деди айёрона кулиб. – Ўзларинг биласизлар, Чархий домла нафақат Қўқонда, балки бутун Ўзбекистонда ҳам машҳур. У кишининг ғазалларига басталанган қўшиқларни кунда, кун ора радиодан тинглайсизлар. Мана, улуғ шоиримиз ҳам етмиш ёшни қоралаб қолдилар. Қўқон аҳли Чархий домлани камтар, хокисор, камсуқум инсон сифатида билади. Лекин шу бугун битта сирни очай. Домла ўттизинчи йилларда Тошкентга қатнаб юрганларида ўша ердан ҳам уйланганлар. Мендан олдин минбарга чиқиб, шеър ўқиган тошкентлик шоир Азиз Абдураззоқ у кишининг ўғли бўлади”.

Адҳам Ҳамдам шундай дея ўгрилиб, Чархийга қаради. Шунда шоир ўрнидан туриб, залда ўтирганларга таъзим қилдилар. Жуссаси Чархий домлага ўхшаш кичик, юз тузилиши ҳам ўхшаб кетадиган Азиз Абдураззоқ ҳам ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйди. Шунда гулдурос қарсак, қийқириқдан зал ларзага келди.

Ўша куни шеърхонлик, мушоира уч соатга яқин давом этди. Эртаси куни Қўқонда “Чархий домланинг Тошкентда хотини, ўғли бор экан” деган гап тарқади...

Аслида эса воқеа бундай бўлган экан. Саҳна бурчагига қўйилган минбардаги микрофондан таралган овоз залдагиларга эшитилгани билан, саҳна тўрида ўтирганларга етиб бормаслигини яхши билган Адҳам ака Азиз Абдураззоқ билан келишиб шумлик қилишибди. Адҳам ака Чархий домлага “Сизни Қўқон аҳли ниҳоятда ҳурмат қилади, мен сизни бир-икки оғиз мақтаб ўгирилиб қарасам, ўрнингиздан туриб таъзим қилиб қўясиз” деган экан. Шу боис, Адҳам ака Тошкент воқеасини гапириб домлага ўгрилганда, у мен ҳақимда гап бўляпти деб ўйлаб, таъзим қилибди. Келишиб олинганидек, Азиз Абдураззоқ ҳам қўлини кўксига қўйибди.

Ўша куни учрашувдан кейин ҳамма нарса ошкор бўлгач, аввалига Чархий домла Адҳам акадан қаттиқ хафа бўлибди. Кейин бир оз жаҳлдан тушиб, бироз кулимсирабди-да, ”Тошкентда шундай шоир ўғлимиз бор экан-у, билмай юрган эканмиз-да!” деган эканлар.

ТОМОҚ ОҒРИҒИНИНГ ДАВОСИ

Қатор насрий асарлари билан китобхонларга яхши таниш бўлган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мансурхўжа Хўжаев ниҳоятда серзавқ, ҳозиржавоб, ҳазил-мутойибага ўч киши эди. Биз туғишган ака-укадек қадрдон эдик.

Бир куни яқинларимиздан бирининг наҳорги ошига бордик. Мансурхўжа ака рўбарўмизда ўтирган ҳазилкаш дўсти, таниқли хирург Шавкат Солиевичга қараб:

– Шавкат, бир ҳафта бўлди, томоғимнинг оғриғи ўтиб кетмаяпти. Қилмаган муолажам қолмади. Яхшироқ бир дори ёзиб бергин, – деди.

Шунда Шавкат ака муғомбирона жилмайганича, чўнтагидан дафтарчасини олиб, бир варағини йиртиб, нималарнидир ёзди-да, уни тўрт буклаб, Мансурхўжа акага узатди.

– Мана шу дорини ичсангиз, уч-тўрт кунда яхши бўлиб қоласиз, – деди бамайлихотир.

Тўйдан чиқиб, Мансурхўжа аканинг ишхонасига йўл олдик. Машина дарвоза олдига келиб тўхтагач, чўнтагидан ҳалиги “рецепт”ни олиб, ҳайдовчиси Анваржонни дорихонага жўнатди.

Кўп ўтмай биз ўтирган хонага ҳайдовчи кириб келди.

– Хўжайин, бу дори эмас экан, – деди у хижолатомуз.

– Нимага дори бўлмайди? – Мансурхўжа ака ҳайрон бўлди. – Ҳозиргина Шавкат ёзиб берди-ку.

Анваржон қоғозни узатди. Мансурхўжа ака қошларини кериб, ёзувни ўқиди-да, қаттиқ кулиб юборди. Маълум бўлишича, варақка “Беш-олти кун гапирмай, жағингни тийиб юрсанг, томоғинг яхши бўлиб қолади” деб ёзилган экан.

Носир ЗОҲИД.

Газетанинг навбатдаги сони 2024 йил 15 ноябрь, жума куни чиқади.

Умр манзилларида

«БАХТИЁРЛАР БЕКАТИ»ДАГИ УМИДСИЗЛИК



Бахтли оила қуриш истагидаги икки ёш никоҳдан ўтиш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига келишганида, у ердаги ёзувга бир зум тикилиб қолишди: “Бахтиёрлар бекати”... “Оила қўрғонимиз устунини бахтдан яратамиз” дея ахдлашди улар.

Ноила ширин орзулар билан келин бўлиб тушган жойда тошдек қотиш учун хонадон эгаларининг кўнглини олишга астойдил ҳаракат қилди. Турмуш ўртоғининг битта-ю битта синглисига туғишган опасидек ғамхўрлик қилди. Ичкиликка ружу қўйган қайнотасининг дилозорликларига бардош беришни тақдирга йўйди.

Вақт зувиллаб ўтди. Бу орада оиланинг қучоғи икки нафар ўғил фарзанднинг шодлиги билан тўлди.

Ҳамид ҳар йили мавсумий иш излаб хорижга кетарди. Шундай сафарларнинг бирида уйда қолган аёлига нисбатан “кўздан йироқ – кўнгилдан йироқ” қабилида иш тутиб, ўзганинг қучоғидан паноҳ топди. У синфдоши билан видеоалоқа орқали суҳбатлашаётганда, ўзи яшаётган уй ва “бека” ҳақидаги тўлиб-тошиб айтган фикрлари дўстининг турмуш ўртоғини қизиқтириб қўйганидан хабарсиз эди. Уларнинг ҳазил ва чин аралаш суҳбатини зимдан кузатган аёл эшитганларини ичига сиғдиролмади. “Наҳотки, гулдек хотини бўла туриб, хиёнат йўлини танлаган бўлса...”

Ноиланинг анча аввал юрагига тушган чўғ аланга олди. Эрининг совуқ муомаласига сабабни ўзидан қидириб, унга етарли эътибор бера олмаётгани учун ўзини ўзи қойиётганди. Тирикчилик учун олисда ишлаётган Ҳамиднинг ўзгараётгани, телефон орқали суҳбатлашаётганда юзаки ҳол сўраётганидан кўнгли бироз ғаш тортаётганди.

Турмуш ўртоғининг бундай палапартиш ҳаёт кечириши оиладаги нозик муносабатларнинг дарз кетишига сабаб бўлишини Ноила яхши биларди. Шундай бўлса ҳам, эрининг қайтишини кутди.

Бу гал Ҳамид хориждаги мавсумий иш тамом бўлишига қарамай, уйига қайтмади. Яхши пул топиш учун 3-4 йил шу ерда қолишини айтганида, Ноиланинг оиласини сақлаб қолиш йўлидаги сўнгги умиди пучга чиқди...

Ажрашиш керак... Бошқа чора йўқ. Бу қарорга келишидан аввал, келин бўлиб тушган хонадонида ўтган йилларини бирма-бир хотирлади.

Ҳамид четга чиқиб ишлашга унчалик ҳавасманд эмасди. Узоқ вақт иш излаб сарсон юришлари самарасиз ўтгани боис, уйидаги иссиқ жойини совутишга мажбур бўлганди. Эр-хотин рўзғор тебратишнинг ягона йўли хорижда ишлаш, деб қарор қилмаганларида, барчаси бошқача бўлармиди...

Ноила ишсизлик муаммоси сабаб қанчадан-қанча оилалар бузилаётгани, фарзандлар етим бўлаётганини ўйлаб қалби ўртанди. У фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига келганда, “Бахтиёрлар бекати”га атайин назар ташламади. Ўн йил аввал Ноила бу ерни фақатгина ширин орзуларга тўла икки ёшнинг аҳдига гувоҳ бахт маскани деб билганди. Энди у бу бекатда икки фарзанди билан бошқа манзил томон кетиш мақсадида умидсиз турарди...

М. ТУРҒУНАЛИЕВА.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 1553 нусхада чоп этилди.
Буюртма: 677

Газета жума куни чиқади. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Абдужалил Бобожонов.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.
Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.
ISSN: 2010-8370